

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ДОНИЁР БАХОДИРОВИЧ

**ИЛК ЁШДАГИ ЎТКИР ГЕРПЕТИК СТОМАТИТ КАСАЛЛИГИ БОР
БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ДАВОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Дониёр Баходирович

Илк ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда зотилжам кечишининг клиник-патогенетик хусусиятлари ва уни даволаш..... 3

Абдуллаев Дониёр Баходирович

Клинико-патогенетические особенности пневмонии у детей с острым герпетическим стоматитом и его лечение..... 29

Abdullaev Doniyor Bakhodirovich

Clinical and pathogenetic features of the course of pneumonia in young children with acute herpetic stomatitis and its treatment..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ ДОНИЁР БАХОДИРОВИЧ

**ИЛК ЁШДАГИ ЎТКИР ГЕРПЕТИК СТОМАТИТ КАСАЛЛИГИ БОР
БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ДАВОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2097 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Аҳмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муллаева Лола Джавлановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Арзиқулов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

О.А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2022-йилда эълон қилган маълумотларига кўра, дунёда болалар ўртасида зотилжам билан касалланган беморлар сони кейинги ўттиз йил ичида барқарор ортиб бормоқда¹. Сўнгги ярим асрда дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида болалар ўртасида зотилжамнинг тарқалиши 30-50% га ортган ва 5 ёшгача бўлган болаларнинг 14% ида ўлим сабаби бўлиб қолмоқда, бир ёшдан беш ёшгача бўлган болалар орасида эса, барча ўлим ҳолатларининг 22% ни ташкил қилади. Бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам болаларда зотилжамни ташхислаш ва даволашда эришилаётган ютуқларга қарамай, касалланиш, асоратлар сони ва ўлим кўрсаткичлари тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари педиатрия амалиётида ўткир герпетик стоматит муаммоси алоҳида ўринни эгаллайди, чунки ушбу стоматит болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг барча касалликларининг 80% дан ортиғини ташкил қилади. Зотилжамнинг аҳоли, айниқса болалар орасида ортиб бориши, тез-тез қайталаниши ҳамда бошқа ҳамроҳ касалликлар билан бирга келиши касалликнинг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш орқали даволаш усулларини оптималлаштириш, самарали профилактика усулларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда. Болаларда орасида зотилжам ва ўткир герпетик стоматит билан касалланиш ҳолатларининг ортиши ҳисобига ушбу касалликлар биргаликда учраганда даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш масалалари тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда зотилжам касаллигининг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш, даволаш чораларини такомиллаштириш ҳамда самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, болаларда зотилжамнинг клиник ва лаборатор ташхисотининг хусусиятлари, шунингдек, замонавий шароитларда клиник ва морфологик хусусиятлари ўрганилмоқда. Болаларда зотилжамнинг турли даражада кечиш шаклларида цитокин профилини ҳамда коронавирус пандемияси даврида шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник намоён бўлиши хусусиятларини, шунингдек буйракларнинг осморегулятор функцияларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш борасида, жумладан, болаларда турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «...мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан, сўнгги беш йилда оналик ва болаликни тизимли

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

равишда муҳофаза қилиш натижасида уларнинг ўлимини камайишига эришиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ўткир герпетик стоматит фонида зотилжам билан касалланганларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли педиатриянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216 сон «2022-2026-йилларда Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда зотилжам касаллиги замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Чунки бу касаллик болаларда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари таркибида асосий фоизни ташкил қилади, оғир кечиши ва даволашнинг қийинлиги билан тавсифланади (Таточенко В.К. ва ҳаммуал. 2021; Тесёлкин Е.В. ва ҳаммуал. 2023; Kumar A. et al. 2020; Gan M. et. al 2024). Дунёда зотилжам ҳар йили 3 млндан ортиқ одамни йўқотиш билан аҳоли ўлимининг асосий сабаблари рўйхатида 3-ўринни эгаллайди (Yang S. et. al 2024). Герпетик инфекция энг кенг тарқалган ва назоратга олиними қийин бўлган инфекциялар қаторига киради. Оддий герпетик вирус (ОГВ) тури аъзо ва тизимларни жароҳатлайди (тери, кўз, ошқозон-ичак тизими, жигар, асаб тизими ва бошқ.). ОГВ-инфекциясининг келиб чиқишига совуқ қотиш, кучли инсоляция, руҳий ва жисмоний зўриқишлар, турли генезли интоксикациялар монёлик қилади (Ризаев Ж.А., ва ҳамуал. 2016; Учайкин В.Ф. ва ҳаммуал. 2022). Ўткир герпетик стоматит (ЎГС) болалар инфекцион касалликлари ўртасида биринчи ўринда туради. ЎГС билан турли ёшдаги болалар касалланади, аммо у кўпинча 6 ойдан 3 ёшгача бўлган болаларда кўп учрайди. ЎГС шифохонада беморларни узоқ вақт қолишига, асоратлар ҳисобига беморлар ҳолатининг оғирлашишига олиб келиши мумкин (Азимбаев Н.М. 2021; Билалов Ю.А. 2022; Хадыева М.Н ва Галиуллин А.Н. 2023; Реук С.Э. ва Терехина Н.А. 2024). МДХ давлатлари

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216 сон «2022-2026-йилларда Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори.

олимлари томонидан ЎГС билан касалланган болаларда иммунологик реактивлик ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг пасайиши аниқланган (Суеркулов Э.С. 2020; Ибаева Р.А. ва ҳаммуал. 2021; Князева М.Н., 2022).

Ўзбекистон олимлари томонидан яллиғланишга хос ўзгаришлар, хужайра ва гуморал иммун тизими, ҳамда, генетик, иммуноглобулин Е (IgE) ва бошқа патогенетик механизмлар ўрганилган (Абдурахмонов А.И. ва ҳаммуал. 2021). Умумий IgE гиперпродукцияси фонида яллиғланишга хос (TNF α , IL-6) ва яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорининг ошиши билан тавсифланган иммуноцитокин ҳолатида зотилжам касаллиги фонида номунособиблик аниқланган (Алиев А.Л. ва ҳаммуал. 2021; Шарипова Г.И. ва Каримова Н.Ю. 2024). Болалар ЎГС фонида зотилжам билан касалланганда иммун статусининг ўзгаришларига оид адабиётлар жуда кам. Фақат бир нечта илмий ишлардагина ЎГС фонида зотилжам билан касалланган бемор болаларда иммуноморфологик реакциялар, иммун статуси супрессиялари ҳақидаги маълумотлар учрайдики (Суеркулов Э.С. 2020; Capelli B. et.al. 2019; Xudoydodova S.G. et.al. 2021; Mirzoyeva M.R., Abdurahmonovich Q.A. 2021) улар ушбу зотилжамнинг патогенези, ташхиси ва комплекс даволаш масалаларини тушунишдаги муаммоларни тўлақонли ҳал қила олмайди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳамроҳ касалликлар ва организмнинг иммунцитокин ҳолатини ўрганиш шифохонадан ташқари зотилжамни ЎГС билан бирга келишида клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш, даволаш усуллари оптималлаштириш ва янги самарали профилактика усуллари ишлаб чиқишни таъминлайди. Юқоридаги муаммолар мазкур масалани батафсил ўрганишни талаб қилади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташҳислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2023 й.).

Тадқиқотнинг мақсади ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд эрта ёшдаги болаларда зотилжамни даволашни унинг кечишининг клиник-патогенетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд болаларда шифохонадан ташқари зотилжам кечишининг клиник ва лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжам касаллиги бор болалар сўлаги ва қон зардобидида иммун тизим цитокинлари (TNF- α ва IL-10) миқдорини аниқлаш;

эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни анъанавий ва комплекс даволашнинг қиёсий самарадорлигини баҳолаш;

эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни оптималлаштирилган даволаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 22 нафар соғлом болалар ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг болалар бўлимида 2021-2023-йиллар давомида 60 нафар ўткир герпетик стоматит фонидида шифохонадан ташқари зотилжам туфайли ҳамда 32 нафар бактериал зотилжам сабабли ётиб даволанган 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган жами 92 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўткир герпетик стоматит фонидида зотилжам билан касалланган болалар ҳамда амалий соғлом болалар қон зардоби ва сўлагидаги цитокинлар хусусиятларини иммунологик текшириш натижаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг боланинг она сути билан озикланишга тўсқинлик қилувчи оғиз бўшлиғидаги тошмаларга боғлиқ бўлган ҳолда касаллик оғирроқ ва тикланиш даври узоқроқ кечиши билан тавсифланувчи клиник хусусиятлари аниқланган;

илк бор эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонидида шифохонадан ташқари зотилжамнинг иммунологик хусусиятлари оғиз суюқлиги ҳамда қон зардобидидаги TNF- α ва IL-10 ларнинг миқдорий концентрацияси ўткир герпетик стоматит мавжуд бўлмаган зотилжамга нисбатан 2,2 бараварга ортиши ($P < 0,001$) ва миқдорий синтези 31,5 фоизга камайиши билан тавсифланиши қайд этилган;

эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонидида шифохонадан ташқари зотилжамда ноинвазив сўлакдаги иммун цитокин кўрсаткичларидан (TNF- α ва IL-10) ташҳисот мезони сифатида фойдаланиш мумкинлиги, IL-10 нинг яққол гипосекрецияси эса, касалликнинг узоқ давом этишининг қўшимча предиктори эканлиги аниқланган;

эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонидида зотилжамни даволашда касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда меглюмин акридонацетат, пробиотик ва небулайзер терапиясидан фойдаланиш билан тавсифланувчи комплекс даволаш усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонидида шифохонадан ташқари зотилжамни даволаш тактикасини оптималлаштиришга имкон берган ўзига хос клиник ва иммунологик хусусиятлари аниқланган;

Ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичларининг (TNF α , IL-10) хусусиятлари ва рационал даवони ўз вақтида белгилаш имконини берувчи инфор­мацион ташхисот мезонлари асосланган;

Ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган болаларни даволаш учун таклиф этилган комплекс даволаш усулининг клиник самарадорлиги исботланган;

Ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган эрта ёшдаги болаларни олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бемор болалар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамнинг ўзига хос клиник ва иммунологик хусусиятларига оид, шунингдек, ушбу беморларда оғиз суюқлиги ҳамда қон зардобдаги TNF- α ва IL-10 миқдорий кўрсаткичларида кузатиладиган динамик ўзгаришларга оид мавжуд билимларни ривожланишига муҳим хисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичларининг хусусиятлари ва рационал давони ўз вақтида белгилаш имконини берувчи инфор­мацион ташхисот мезонлари ва касалликнинг узок давом этишининг қўшимча предиктори аниқланганлиги, касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда комплекс даволаш усули таклиф этилганлиги ҳамда олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд эрта ёшдаги болаларда зотилжамни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: эрта ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг боланинг она сути билан озиқланишга тўсқинлик қилувчи оғиз бўшлиғидаги тошмаларга боғлиқ бўлган ҳолда касаллик оғирроқ ва тикланиш даври узокроқ кечиши билан тавсифланувчи клиник хусусиятлари аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган “Илк ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда зотилжамнинг кечиш клиникаси, ташхисоти, даволаш тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий

қилиниши: Ушбу янгилик Фарғона шаҳар болалар шифохонасининг 2023 йил 23 январдаги 758-11-169-ТВ/2023-сон ва Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 5 январдаги LY1010644613-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/99-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамни даволашда касалликнинг клиник хусусиятларини инобатга олиш касалликнинг асоратланган шакллари улушини камайтиришга, шифохонада қолиш муддатларини қисқартиришга ва даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ўткир герпетик стоматит билан бирга кечишида касалланган беморнинг шифохонага ётиб даволаниш муддати 10 кундан 6 кунгача қисқариб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 58850 сўмга камайган, шифохонада бўлиш даврининг 4 кунга қисқариши ҳисобига 92 нафар беморни даволашда 21 656 800 сўм иқтисод қилинган. Хулоса: шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ўткир герпетик стоматит билан бирга кечишида касалланган беморларда стационар шароитда даволашда илмий янгиликдан фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига 1 кунга 58850 сўм бюджет маблағларини ва 58850 сўм бюджетдан ташқари маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк бор эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамнинг иммунологик хусусиятлари оғиз суякчилиги ҳамда қон зардобиддаги TNF- α ва IL-10 ларнинг миқдорий концентрацияси ўткир герпетик стоматит мавжуд бўлмаган зотилжамга нисбатан 2,2 бараварга ортиши ($P < 0,001$) ва миқдорий синтези 31,5 фоизга камайиши билан тавсифланиши қайд этилганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган “Илк ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда зотилжамнинг кечиш клиникаси, ташхисоти, даволаш тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Фарғона шаҳар болалар шифохонасининг 2023 йил 23 январдаги 758-11-169-ТВ/2023-сон ва Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 5 январдаги LY1010644613-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/99-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамни даволашда касалликнинг иммунологик хусусиятларини инобатга олиш даволашнинг самарали патогенетик усулини белгилашга, натижада асоратлар сонини камайтиришга, реабилитация муддатларини қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Беморларни даволашда самарали дори воситаларини қўллашга сарф қилинадиган харажат кунлик 58850 сўмни ташкил қилган. Бунда ҳар бир бемор учун ётоқ кунларининг ўн кундан олти

кунга қисқариши ҳисобига 235 400 сўм иқтисод қилинган. 92 нафар беморга 21656800 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ўткир герпетик стоматит фонида кечишида касалланган беморлар тўғри олиб борилганда бюджет маблағларидан 235400 сўм ва бюджетдан ташқари маблағлардан 58850 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамда ноинвазив сўлакдаги иммун цитокин кўрсаткичларидан (TNF- α ва IL-10) ташҳисот мезони сифатида фойдаланиш мумкинлиги, IL-10 нинг яққол гипосекрецияси эса, касалликнинг узок давом этишининг кўшимча предиктори эканлиги аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган “Илк ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда зотилжамнинг кечиш клиникаси, ташҳисоти, даволаш тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Фарғона шаҳар болалар шифохонасининг 2023 йил 23 январдаги 758-11-169-ТВ/2023-сон ва Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 5 январдаги LY1010644613-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/99-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамни ўткир герпетик стоматит фонида кечишида касаллик ташҳисотида информатив ҳисобланган маҳаллий яллиғланиш кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғи суюқлигидаги локал иммунитет ИЛ-10, ЎНО- α ларни баҳолаш касалликни асоратли вирус-бактериал инфекцияси билан кечувчи шакллари олдани олади. Ташҳислаш ва самарали даволаш усулини қўллаш имконини яратади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: шифохонадан ташқари ўткир зотилжамнинг ўткир герпетик стоматит фонида кечишида оддий ва самарали текширув усули бўлган оғиз бўшлиғи суюқлиги локал текширув усули бўлган ИЛ-10, ЎНО- α амалиётда қўлланиши орқали беморларда кўшимча текширувлардан фойдаланиш зарурати йўқлиги ҳисобига бир текширувга сарфланадиган 235 400 сўм, 58 нафар беморга 13 653 200 сўм ортиқча сарф харажатларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** шифохонадан ташқари ўткир зотилжам ўткир герпетик стоматит билан бирга кечган беморларни тўғри ва эрта ташҳислаш, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 235400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 235400 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида зотилжамни даволашда касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда меглюмин акридонат, пробиотик ва небулайзер терапиясидан фойдаланиш билан тавсифланувчи комплекс даволаш усули Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/2-сон билан тасдиқланган “Илк ёшдаги ўткир герпетик стоматит касаллиги бор болаларда зотилжамнинг кечиш клиникаси, ташҳисоти, даволаш

тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Фарғона шаҳар болалар шифохонасининг 2023 йил 23 январдаги 758-11-169-ТВ/2023-сон ва Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 5 январдаги LY1010644613-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 05/99-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида зотилжамни даволашда таклиф этилган комплекс даволаш усулини қўллаш бемор болаларни шифохонада ётиш ҳамда реабилитация муддатларини қисқартиргани ҳолда даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатининг 10 кундан 6 кунгача қисқартириб, шифохонада 1 кун қолиш 58850 сўм, шифохонада бўлиш даврининг 4 кунга қисқартирилиши 235 400 сўмни ташкил қилган, 92 нафар беморга 21 656 800 сўм ортиқча сарф харажатлар иқтисод қилишга эришилган. Олиб борилган дифференциаллашган даволаш усули касалликнинг такрорий ўткир респиратор инфекция ва унинг асоратлари вирус-бактериал этиологияли шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ўткир герпетик стоматит билан кечишида 2,5 маротабага камайганлиги кузатилган. Хулоса: шифохонадан ташқари ўткир зотилжам ўткир герпетик стоматит билан бирга келишида беморларда стационар шароитида даволанишдаги янги даволаш усулларини қўлланиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 58850 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 58850 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ташхислаш ва даволашнинг замонавий масаллари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Маҳалий ва хорижий адабиётлар шарҳида ўткир шифохонга боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг ЎГС билан бирга кечишида эпидемиология, патогенез, клиника ва даволашнинг замонавий жиҳатлари тўлиқ таҳлил қилинган. Баён қилинган материаллар асосида шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамнинг ЎГС билан бирга кечишида унинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатор, иммунологик ва статистик тадқиқотлар усуллари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Мазкур тадқиқот иши 2021-йилдан 2023-йилгача Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар бўлимида даволанган 6 ойдан 3 ёшгача бўлган 92 нафар бемор болаларда олиб борилган. Улардан 34 (37%) нафари қиз болалар ва 58 (63%) нафари ўғил болалардан ташкил топган. Зотилжамни ташхислашда ХКТ-10 (2010) ишлатилган. Мақсадга мувофиқ, барча бемор болаларда оналарнинг ёши, ирсий ва акушерлик анамнези, болаларнинг преморбид ҳолати ўрганилган. Шунингдек, фон шароитларига, олдинги касалликларига, бронхообструктив синдромнинг мавжудлигига, тимомегалиянинг мавжудлигига, марказий асаб тизимининг шикастланишига эътибор қаратилган.

Лаборатор текширув натижаларини танлаш ва интерпретация қилишда лаборатор усулларнинг сезгирлиги ва спецификлиги асосида вирусологик текширувлар, полимераза занжирли реакцияси (ПЦР), генли зондлаш усули, иммунофлюоресценция реакцияси (РИФ, ИФ), иммунофермент таҳлил (ИФТ, ТФИФА, ёки ELISA), радиоиммун таҳлил (РИТ), иммуноблоттинг (ИБ) каби усуллардан фойдаланилган. Иммунологик текширувлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида олиб борилган. Иммунологик кўрсаткичлардан яллиғланишни қўлловчи (IL-10) ва яллиғланишга қарши (TNF- α) цитокинлари текширилган.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Фишер-Стюдент статистикаси усуллари ёрдамида амалга оширилган. Маълумотлар шахсий компютерида ўртача арифметик (M) қийматларни ҳисоблаш билан статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда Excel жадвалида ишлаб чиқилган статистик ишлов беришдан ўтказилди.


Диссертациянинг «**Текширилган болаларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ЎГС фонидида шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник кечиши, клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг солиштирма таҳлиллари, преморбид фон, иммунологик кўринишлари натижалари кўрсатилган.

Беморлар анамнезини ўрганишда асосий гуруҳнинг 28 (46,7%) ва таққослаш гуруҳининг 20 (62,5%) болалари асоратланган ҳомиладорлик, ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи ярмида токсикоз, ҳомиладорлик хавфи туфайли туғилганлиги, аборт қилиш, Rh омил, АВО, юқумли касалликлардан ўткир респиратор инфекциялар, пиелонефрит, баъзи аёлларда компенсация босқичида сурункали касалликлар борлиги аниқланган. 48 нафар боланинг 6 (21%) 1-ҳомиладорликдан, 10 (36%) 2-ҳомиладорликдан, 12 (43%) 3-ҳомиладорликдан туғилган. Учинчи ёки ундан кейинги ҳомиладорликдан туғилган болалар текширилганда бемор болаларнинг умумий сонининг сезиларли (42,9%) ташкил қилган.

Кузатилган беморларнинг оналарида туғруқ хусусиятларининг таҳлилида 30 (33%) бола узоқ давом этган туғруқдан, 26 (28%) бола эрта туғруқ, 12 (13%) бола мураккаб туғруқдан (туғруқдан кейинги атоник қон кетиш) ва кесарча кесиш йўли билан туғилган. 52 нафар бола асфиксия билан туғилган бўлиб, 15 (29%) нафари 2-даражали, 33 (64%) 3-даражали, 7 (14%) бемор муддатидан олдин туғилган, 4 (12%) бола 2 кг гача вазнда, 21 (23%) бола 2 дан 3кг гача, 67 (73%) бола 3 кг дан ортиқ вазнда туғилган.


Кузатилган беморларда преморбид фонда 1-гуруҳ 24 (40,0%) ва 2-гуруҳидаги 10 (31,2%) оксил-энергетик етишмовчилиги, 5 (8,3%) ва 1 (3,1%) рахит, 36 (60,0%) ва 11 (34,0%) камқонлик, 13 (22,0%) ва 2 (6,2%) перинатал пост-гипоксик энцефалопатия, 8 (13,3%) ва 5 (16%) нафар болада атопик дерматит учраган.

1-гуруҳ бемор болаларнинг 11 (34,4%) нафари ва 2-гуруҳ 18 (30%) шифохонага 1-3 суткада, 29 (48,3%) ва 14 (43,8%) 4-7 суткада, шунингдек 9 (15,0%) ва 5 (15,6%) 8-10-суткада ва 3 (5,0%) ва 2 (3,0%) бемор уйда самарасиз даволанишдан 10 кундан кейин ётқизилган (1-расм).




1-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг шифохонага келиш вақти бўйича тақсимланиши

1-гурух беморларнинг 38 (63,3%) нафари ва 2-гурухда 23 (71,9%) таси она сути билан озиқланган. Сунъий овқатлантиришда 15 (25,0%) ва 7 (21,9%) болалар онада сут йўқлиги ёки унинг касаллиги (мастит) туфайли шишачадан озиқланган. Шунингдек 7 (11,7%) ва 2 (6,3%) нафар болалар оналардаги гипогалактия туфайли аралаш озиқлантиришда бўлганлар (2-расм).



2-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги 1 ёшгача бўлган болаларнинг озиқланиш табиати

Тадқиқотнинг 1-гурухида кўп ҳолларда тана ҳароратининг субфебрил кўтарилиши билан кечган, 34 (56,7%) диспептик бузулишлар, тез-тез нам йўтал, тана ҳароратининг кўтарилиши, безовталиқ, нафас олиш бузилишлари билан намоён бўлган (3-расм). Юзларда, оғиз атрофларида ва оғиз бўшлиғида қизарган, шишган шиллиқ қаватларда тошмалар пайдо бўлган, 1-гурух ва 2-гурух болаларда 10 дан 25 тагача жароҳат элементлари 31 (51,6%) ва 13 (40,6%), бу даврда 20 (33,3%) ва 10 (31,2%) нафар болада сўлак оқиш кучайган, сўлак қуюқ ва чўзилувчан, 16 (26,7%) ва 7 (21,9%) болада барча тиш орасидаги милклар яққол яллиғланиш ва қон кетиш кузатилган.




3-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги шифохонага ётқизилган бемор болалар шикоятлари

Тошма элементлари тошгандан сўнг одатда тана ҳарорати пасайган. Оғиз бўшлиғи кўрилганда турли клиник ва морфологик босқичдаги жароҳат элементлари бляшкалар 6 (10,0%) ва 10 (31,2%), афтлар 23 (38,3%) ва 7 (21,9%), эрозиялар 14 (23,3%) кузатилди. 2-гуруҳ бемор болаларда антибиотик даво етарли даражада самара бермаган. Рентгенологик текширувда узок ушланиб турган майда ўчоқли инфилтратив соялар аниқланган. Умумий қон таҳлилида, кўпинча эозинофилия, лейкоцитоз, ЭЧТ 15-25 мм/с. ошганлиги кузатилган.

Барча кузатувдаги беморларининг томоқдан суртма, муртак безлари суртмаси бактериологик текширилганда 11 (0,12%) болада *Streptococcus pneumoniae*, *Staphylococcus Spp.* 7 (0,08%) болада, *Staphylococcus aureus* 5 (0,05%) болада, *Staphylococcus pneumoniae* 3 (0,03%) болада, *Streptococcus pyogenes* 2 (0,02%), *Haemophilus influenzae* 2 (0,02%), аралаш микрофлора: *Staphylococcus epidermis*, *Escherichia coli* 2 (0,02%) нафар болада аниқланган (4-расм).

Ташқи нафас функциясининг бузилиши 12 (13,%) нафар бемор болада бурун катаги паррақларининг очилиб-ёпилиши, 7 (7,6%) бемор болада кўкрак соҳасининг нафас олишда орқада қолиши билан намоён бўлган.



4-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги бактериал текширув натижалари

1-гуруҳ шифохонадан ташқари зотилжам ЎГС фонида қуйидаги клиник синдромлар: обструктив 10 (16,7%) нафар, кардиореспиратор 2 (3,3%), дисциркулятор 4 (6,7%), ДТИС (ҚҚҚ) 2 (3,3%), эксикоз 2 (3,3%) бемор болаларда кузатилган.


Шифохонадан ташқари зотилжамнинг ЎГС фонида кейинги кўринишларидан 45 (75,0%) болада йўтал, асосан қуруқ, нам йўтал 16 (26,7%) болада кузатилган. Бактериал зотилжамда эса нам йўтал 17 (53,1%), қуруқ йўтал 11 (34,4%) бемор болада аниқланган.

Физикал текширувларда ўпка товушининг бўғиқлашуви аниқланган. 1-гуруҳ 14 (23,3%) ва 2-гуруҳ 6 (18,8%) нафар болада қутичасимон товуш кузатилди ва у бронхообструктив синдромдан далолат берган. Қолган беморларда ўпка товушининг тўмтоқлашуви аниқланган. Аускултацияда 1-гуруҳ 32 (53,3%) болада турли калибрдаги нам ва 28 (46,7%) нафар болаларда қуруқ хириллашлар эшитилган. 4 (6,7%) ва 7 (21,9%) нафар болада хуштаксимон хириллашлар кузатилган.

Кўкрак соҳаси рентгенографиясида юрак қон-томир тутамининг кенгайиши, чап қоринчанинг чегараларининг кенгайиши аниқланган. Бу ўзгаришлар перкутор аниқланган. Нафас олиш аъзоларининг рентгенологик текширувларида 32 (53,3%) 1-гуруҳ ва 16 (50%) 2-гуруҳ болаларида тимуснинг катталашуви аниқланган, бу зотилжамнинг дастлабки босқичларида инфекция стресснинг иммун тизимига мослашув реакцияси сифатида қаралган.

Кўпчилик ЎГС фонида кечган шифохонадан ташқари зотилжамда 48 (80%) нафар болаларда, ўпкада икки томонлама ўчоқли зарарланиш бўлса, 5 (8,3%) болада ўнг томонлама ўчоқли, 3 (5%) болада чап томонлама ўчоқли, 4 (6,7%) болада бир томонлама сегментар зарарланиш бўлди (5-расм). Бактериал зотилжам билан касалланган болаларда икки томонлама ўчоқли 22 (68,8%),

ўнг томонлама ўчоқли 5 (15,6%), чап томонлама ўчоқли 2 (6,3%), бир томонлама сегментар зарарланиш 3 (9,4%) нафар бемор болада кузатилган




5-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги ўпка зарланишининг қиёсий хусусиятлари

ЎГС фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган 60% болаларда гемоглобиннинг $97,1 \pm 2,42$ г/л гача (меъёрда $110,3 \pm 0,2$) сезиларли даражада пасайиши аниқланган, 90% болаларда лимфоцитлар $57,2 \pm 0,93$ (меъёр $33,2 \pm 0,8$), 83,3% болаларда лейкоцитларнинг $16,2 \pm 0,41$ (меъёр $4,8 \pm 0,2$) гача, соғлом гуруҳга нисбатан 68,3% болаларда ЭЧТнинг $14,2 \pm 0,58$ га сезиларли ўсиши аниқланган ($p < 0,01$); типик бактериал зотилжам билан касалланган болаларда гемоглобиннинг сезиларли 34,4% даражада пасайиши, лейкоцитлар 28,1% $10,3 \pm 0,74$ гача (меъёр $4,8 \pm 0,2$), 31,3% ўртача лимфоцитоз ва 53,1% ҳолатда ЭЧТ нинг сезиларли ошиши кузатилган. Эозинофиллар сони иккала гуруҳда ҳам меъёрда бўлган.

Диссертациянинг «Эрта ёшдаги болаларда ўткир герпетик стоматит фонида шифохонадан ташқари зотилжамни даволаш самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида болалардаги зотилжамни даволашда этиологик омил ва замонавий тушунчаларга асосланган.

Ўтказилган текширувларда барча гуруҳ бемор болаларида оғиз бўшлиғи суюқлигида (ОБС) TNF- α миқдори стоматит этиологиясидан қатъий даволашдан олдин ишончли ошиши аниқланган 6-расм.



6-расм. Барча гуруҳлардаги стоматитли болаларда даволанишдан олдин оғиз суякклигидаги TNF- α таркиби пг/мл


Биринчи гуруҳ болаларда 2,2 мартага ошди, ўртача кўрсаткич $12,39 \pm 0,58$ пг/мл ($p < 0,001$), соғлом болалар гуруҳида эса бу кўрсаткич $5,64 \pm 0,40$ пг/мл. Иккинчи гуруҳ болаларда TNF- α назоратга нисбатан 2,3 мартага, ўртача кўрсаткичларда $13,14 \pm 1,24$ пг/мл ($p < 0,001$) ни кўрсатди.

Интерлейкин 10 (ИЛ-10 ёки IL-10) Th1 тўқималарнинг фаоллигининг ингибитори сифатида тавсифланган. IL-10 нинг асосий яллиғланишга қарши самараси макрофаглар фаоллигини пасайтириш ва Т-лимфоцитлар (асосан Th1 ва Th17) биринчи навбатда бу тўқималарда яллиғланиш олди цитокинлар синтезини пасайтиришга қаратилган.

Олинган маълумотлар, 1-гуруҳдаги болаларда IL-10 ишлаб чиқариши кескин кучайган бу иммун комплексларнинг макрофаглар гиперфункциясига унчалик фаол бўлмаган қаршилигидан далолат бериб, Th1/Th2 дисбалансига олиб келган. Бемор болаларнинг барча гуруҳларида қон зардобида TNF- α даражаси сезиларли даражада ошгани кўрсатилган.


1-гуруҳда синтез 31,5% пасайган, ўртача кўрсаткич $2,24 \pm 0,13$ пг/мл ($p < 0,01$) ва кенглик доираси 1 дан 4 пг/мл соғлом болалар гуруҳига нисбатан $3,27 \pm 0,28$ пг/мл. Текширув натижаларидан IL-10 2-гуруҳида $7,61 \pm 0,33$ пг/мл ни ташкил қилди, яъни назоратга нисбатан 2,3 баравар ортиқ $3,27 \pm 0,28$ пг/мл ($p < 0,001$) индивидуал кенгликда 4 дан 10 пг/мл гача (7-расм).

1-гуруҳдаги болаларда эса ўзгарувчан диапазон 17 дан 39 пг/мл, ўртача кўрсаткич $26,83 \pm 0,94$ пг/мл ($p < 0,001$), яъни назорат кўрсаткичларига нисбатан 2,3 баравар кўп $11,73 \pm 0,57$ пг/мл. 2-гуруҳда ўзгарувчан диапазон 14 дан 31 пг/мл, ўртача кўрсаткичлари билан $23,32 \pm 1,05$ пг/мл ($P < 0,001$) 2 марта бўлди.



7-расм. Барча гуруҳлардаги стоматитли болаларда даволанишдан олдин оғиз суюқлигида IL-10 концентрацияси пг/мл

Қуйида келтирилган 8-расмдан кўриниб турибдики, зардоб даражасидаги текширувларида, шунингдек оғиз бўшлиғи суюқлигида барча стоматитли шифохонадан ташқари зотилжам билан бирга кечган гуруҳ болаларда IL-10 турли йўналишли синтези аниқланди. ЎГС бўлмаган гуруҳдаги шифохонадан ташқари зотилжамда IL-10 назоратга кўра 1,8 баробар, соғлом гуруҳи болаларига нисбатан ($15,46 \pm 0,77$ пг/мл тескари $8,23 \pm 0,38$ пг/мл) ($p < 0,001$). ЎГС билан касалланган болаларда яллиғланишга қарши IL-10 миқдори соғлом назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан пастроқ ($5,54 \pm 0,31$ пг/мл ва $8,23 \pm 0,38$ пг/мл) ($p < 0,001$).



8-расм. Барча гуруҳлардаги стоматитли болаларда даволанишдан олдин қон зардобидаги IL-10 миқдори пг/мл

ЎГС бор болаларда IL-10 паст кўрсаткичлари яллиғланишга қарши кураша олмайди, натижада тез ва кенг тарқалади, патоген омилларни нейтралловчи яллиғланишга қарши хусусияти сусайганлиги аниқланган.

